

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Й.Солижонов</b>	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни.....	85
<b>Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева</b>	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида.....	88
<b>С.Мамаюсупова</b>	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари .....	91

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.Ганиева</b>	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси .....	95
<b>Ф.Абдурахмонов</b>	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари.....	98
<b>Д.Газиева</b>	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш.....	103
<b>Н.Аббосова</b>	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари.....	107
<b>М.Ҳақимова</b>	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари.....	111
<b>Ҳ.Солихўжаева</b>	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида.....	116
<b>Ш.Матназаров</b>	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши.....	119
<b>Н.Умарова, Н.Абдувалиева</b>	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар .....	122
<b>Ф.Қосимова</b>	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари .....	126

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Р.Мамасолиев, Р.Солиев</b>	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари .....	130
<b>Ш.Алимов, М.Нурматова</b>	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш.....	133
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари.....	136
<b>З.Бобоева, И.Пўлатов</b>	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари .....	140

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов</b>	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси .....	143
<b>А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова</b>	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш.....	147
<b>Р.Маджидова</b>	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти.....	149
<b>М.Мадаминова</b>	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос.....	152
<b>М.Юсупова</b>	
Навоий образининг янгича талқини.....	155
<b>Х.Рахматиллаев, С.Сохибов</b>	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	158

УДК: 513.371

**МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА СТОХАСТИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ФОРМИРОВАНИЕ СТОХАСТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ  
FORMATION OF STOCHASTIC COMPETENCE IN MATHEMATICS LESSONS**

**А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброхимова,**

**Аннотация**

*Мақолада талабаларда стохастик компетенцияни шакллантириш усуллари келтирилган.*

**Аннотация**

*В этой статье приведены методы формирования стохастической компетенции у студентов.*

**Annotation**

*This article presents methods for the formation of student stochastic competence.*

**Таянч сўз ва иборалар:** компетенция, стохастик компетенция, стохастик маданият.

**Ключевые слова и выражения:** компетенция, стохастическая компетенция, стохастическая культура.

**Keywords and expressions:** competence, stochastic competence, stochastic culture.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда бутун таълим тизимида – боғчалардан бошлаб олий ўқув юртлиригача, туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Замон билан ҳамнафас, давр талабларига жавоб берадиган ўқитувчилар жуда зарур. Бу эса олий ўқув юртида ишлаётган профессор-ўқитувчилар олдида ҳам қатор вазифаларни қўймоқда.

Ушбу вазифалар қаторига ностандарт фикрловчи, ўз касбига ижодий ёндашувчи, амалий, кундалик, касбий фаолиятида учрайдиган муаммоларни ечишда олий ўқув юртида олган билим, кўникмаларини қўллаш олувчи мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳам киради. Бунда касбий компетентлик муҳим аҳамият касб этади.

Талабанинг стохастик компетентлиги унинг касбий компетентлигининг таркибий қисмидир. Айнан стохастик масалаларни тушуниш, моҳиятига етиш, комбинаторик фикрлашни ривожлантиради, стохастик масалалар эса кундалик ҳаётда доимий учраб турувчи масалалардир.

Бугунги кунда тасодифий ҳодисалар ҳақида етарлича тушунчага эга бўлмасдан, тасодифий ҳодиса эҳтимолини билмасдан, ҳодиса ва жараёнларни эҳтимоллар назариясининг мураккаб қонунларига бўйсунуши ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан бирор бир соҳада муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Стохастик компетентликка оид мақолалар чоп этилган.Аммо бу соҳада муаммоли ечилмаган саволлар мавжуд.

Ушбу мақолада математика бакалавр йўналиши талабаларида стохастик маданиятни шакллантиришнинг баъзи қирралари ҳақидаги фикрлар келтирилади.

Ўзбекистонда талабаларнинг стохастик тайёргарлиги ҳозирги пайтда формал, яъни юзаки, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, стохастик масалаларни ечишни ташкил этишга кам эътибор берилмоқда.

Бизнингча, шахснинг стохастик маданиятини шакллантириш аввало олий ўқув юртида амалга оширилади. Тажрибалар кўрсатишича, бугун олий ўқув юртини битириб ишга борган ёш мутахассис ўз касбий соҳасида учрайдиган муаммо ёки ноаниқликларни ечишда стохастик компетентликка эга бўлмаганлиги сабабли қийналмоқда.

Демак, стохастик компетентлик деганда эҳтимоллар назарияси, комбинаторика, математик статистика тушунчаларини яхши билган, уларни амалий касбий фаолиятда учрайдиган турли вазиятларда қўллаш олиш тушунилади.

Маълумки, математика ўқитиш методикаси таълим йўналиши бакалаврияти

**А.Юсупова** – ФарДУ физика-математика факультети математика кафедраси ўқитувчиси.

**З.Муқимова** – ФарДУ физика–математика факультети ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси.

**Х.Иброхимова** – ФарДУ физика–математика факультети математика ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

учун ўрганиладиган мажбурий фанлар гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий фанлар, мутахассислик блокларига бўлинади. Стохастик компетентлик асосан ижтимоий-иқтисодий ва математик табиий фанлар блокларида шакллантирилади.

Мутахассисни тайёрлашнинг кейинги босқичларида талабанинг стохастик маданияти шаклланиб боради. Бунинг учун махсус модель зарур.

Стохастик компетенцияга эга талаба:

➤ касб соҳасида, кундалик ҳаётида муаммолар пайдо бўлганда, уларни стохастик усуллар билан еча олади;

➤ ноаниқлик шароитида стохастик билимларни қўллай олади;  
 ➤ ҳолат бўйича маълумотларни тўплай олади;  
 ➤ муаммоли вазиятни баҳолай ва таҳлил қила олади, тўғри қарор қабул қила олади.

Демак, бакалавр тайёрлаш жараёнида стохастик компетенцияни, стохастик маданиятни шакллантириб бориш келгусида педагогик фаолият олиб борувчи, болалар билан ишловчи мутахассислар учун жуда зарур.

#### Адабиётлар:

1. Рогачева А.Ю. Методика формирования стохастической культуры старшекласников средствами инфокоммуникационных технологий :Upper-Formers' Stochastic Culture: Essential Features. Formation Technology. С.В.Щербатых, А.Ю.Рогачёва.
2. Щербатых С.В. Прикладная направленность обучения стохастике в старших классах средней школы. Автореф.дис...канд.пед.наук.- Елецк. 2006 г.

*(Тақризчи: А.К.Ўринов –физика-математика фанлари доктори, профессор).*